

## Ўзбекистон Республикаси номидан Ҳ У К М

2021 йил сентябрь ойининг 10 куни жиноят ишлари бўйича Сурхондарё вилояти Бандихон туман суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи туман судининг раиси М.Абдимўминов, судья ёрдамчиси А.Джуракуловнинг котиблигида, Бандихон туман прокурорининг ўринбосари Д.Ахмедов, жабрланувчилар XXXXXXXXXXXXXXXX, XXXXXXXXXXXXXXXX, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX ва унинг ҳимоячиси адвокат Э.Оманқуловларнинг иштирокида, XXXXXXXXга оид 1-1915-2101/52-сонли жиноят ишини кўриб чиқди. Иш ҳужжатларига кўра:

XXXXXXXXXXXXX, 2003 йил 04 май куни Денов туманида туғилган, Ўзбекистон фуқароси, миллати ўзбек, маълумоти ўрта, бўйдоқ, муқаддам судланмаган, ишламайди, Бандихон тумани, “Наврўз” маҳалласида яшайди, иш бўйича “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақида тилхат” эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатномаси нусхасини ўз муддатида олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан айбланган.

Суд судланувчи, жабрланувчиларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб, иш материалларида мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

### а н и қ л а д и:

XXXXXXXXXXXXX 2021 йил 24 май куни куни соат 15:30ларда отаси XXXXXXXX номига расмийлаштирилган “Нексия” русумли 75 F 629 LA давлат рақам белгили автомашинасини Бандихон тумани “Обикор” МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4-Р 100 йўлининг 92 км.да Бандихон-Бойсун йўналишида бошқариб кетаётиб, амалдаги йўл ҳаракати қоидаларининг 4-банди, 77-бандининг 1-қисми ва 2-қисми талабларини қўпол равишда бузиб, яъни ҳайдовчи ҳаракатнинг серқатновлигини, транспорт воситаси ва юкнинг хусусияти ва ҳолатини, йўл ва об-ҳаво шароитини, шунингдек, ҳаракатланиш йўналишидаги кўринишни ҳисобга олган ҳолда транспорт воситаси тезлигини белгилангандан оширмасдан бошқариши, тезлик ҳайдовчига ушбу қоидалар талабларини бажариш учун транспорт воситасининг ҳаракатини доимий назорат қилиб бориш кераклиги тўғрисидаги қоидаларга риоя қилмай, хавфсизлик чораларини



кўрмасдан, ушбу йўлнинг ўзига қарама-қарши ҳаракат бўлагидан Бойсун-Бандихон йўналишда ҳаракатланиб келаётган Ангор тумани “Катта қум” МФЙда яшовчи фуқаро XXXXXXXXXXXXXXXни бошқарувида бўлган “Ява” русумли давлат рақам белгиси бўлмаган мотоциклнинг ҳаракат йўналишига чиқиб кетиши натижасида тўқнашув юз бериб, йўл транспорт ҳодисасини содир этган.

Натижада XXXXXXXXXXXXXXX ва автомашина ичида бўлган йўловчи XXXXXXXXXXXXXXX турли даражадаги тан жароҳатлари олиб касалхонага мурожаат этишган.

Вилоят СТЭМнинг 11.06.2021 йилдаги 366-сонли судга-оид тиббиёт хулосасига кўра, фуқаро XXXXXXXXXXXXXXX ЙТХ натижасида бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия чайқалиши, пешона чап томони, юзини чап тарафи, чап ёноқ, чап кўз олмоси ташқи бурчаги, ияк соҳаси чап томони, бўйин чап томони кўплаб шилиниб эзилиб йиртилган яралари каби тан жароҳатлари олганлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Соғлигининг бузилишига сабабчи бўлган енгил тан жароҳати” эканлиги аниқланган.

Вилоят СТЭМнинг 12.06.2021 йилдаги 370-сонли судга-оид тиббиёт хулосасига кўра, фуқаро XXXXXXXXXXXXXXX ЙТХ натижасида бош мия ёпиқ жароҳати, бош мия лат ейиши енгил даражаси, ўнг умров суяги акромиал соҳасидан ёпиқ синиши, ўнг ёноқ, ўнг билак-тирсак соҳаси эзилиб йиртилган яралари каби тан жароҳатлари олганлиги, ушбу тан жароҳатлари оғирлик даражаси бўйича “Ўртача оғирликдаги” тан жароҳатлари эканлиги аниқланган.

Бойсун тумани ИИБ ЭКГнинг 28.06.2021 йилдаги 60-сонли судга-оид авто-техника хулосасига кўра, ҳодиса вақтида “Нексия” русумли 75 F 629 LA давлат рақам белгиси автомашина ҳайдовчиси амалдаги йўл ҳаракати қоидаларини 4-банди, 77-банди 1 ва 2-қисмлари талабларига кўра ҳаракат қилиши лозимлиги ва унинг ҳаракатлари 4-банди, 77-банди 1 ва 2-қисмлари талабларига зид эканлиги аниқланган.

Судда судланувчи XXXXXXXXXXXXXXX айбига иқрорлик билдириб, 2021 йил 24 май куни куни соат 15:30ларда отаси XXXXXXXX номига расмийлаштирилган “Нексия” русумли 75 F 629 LA давлат рақам белгиси автомашинасини Бандихон тумани “Обикор” МФЙ ҳудудидан ўтувчи 4-Р 100 йўлининг 92 км.да Бандихон-Бойсун йўналишида бошқариб кетаётган вақтида ўзига қарама-қарши йўналишда ҳаракатланиб келаётган “Ява” русумли мотоцикл йўналишини ўзгартириб йўлига чиққанида уни уриб юбормаслик учун автомашинасини йўлнинг қарама-қарши ҳаракат бўлагига олганлиги, шунда “Ява” русумли мотоцикл ҳайдовчиси яна ўзининг ҳаракат бўлагига ўтиб олганлиги, шунда ўзи автомашинани ўзининг ҳаракат бўлагига олиб улгурмаганлиги, Ява” русумли мотоцикл



ҳаракатланган йўл бўлагига чиқиб кетиши сабабли у билан тўқнашиб кетиб, автомашина пастликка ағдарилиб кетганлиги, натижада автомашина салоида бўлган опаси XXXXXXXXXXXXXXXX тан жароҳати олганлиги, опаси XXXXXXXX олган тан жароҳати юзасидан касалхонага жўнатилганлигини, ўзи тан жароҳати олмаганлиги, йўл транспорт ҳодисаси туфайли XXXXXXXXXXXXXXXXга касалхонада ётганлиги учун унга кетган дори-дармонлари учун отаси 2.000.000 сўм берганлиги, опаси XXXXXXXXXXXXXXXXнинг олган тан жароҳати бўйича ҳам унга етказилган зарарни тўлиқ қоплаб берганлиги, ҳозирда XXXXXXXXXXXXXXXXга даволаниши учун кетган харажатларини тўлаб бера олмаслигини, оилавий шароити оғирлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлиги ва ўзига нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX судда 2021 йил 24 май куни куни соат 15:30ларда отаси XXXXXXXX номига расмийлаштирилган “Нексия” русумли 75 F 629 LA давлат рақам белгили автомашинасини укаси XXXXXXXXXXXXXXXX бошқариб келганлиги, автомашина салоида ўзи ҳам бўлганлиги, Бандихон тумани “Обикор” МФЙ ҳудудида ҳаракатланиб келаётган “Ява” русумли мотоцикл билан тўқнашиб кетиб, автомашина пастликка ағдарилиб кетганлиги, натижада ўзи тан жароҳати олганлиги, шундан кейин хушидан кетганлиги, шифохонада ўзига келганлиги укаси XXXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан даъвоси йўқлигини, унинг ёшлигини, йўл транспорт ҳодисаси эҳтиётсизлик оқибатида содир этилганлигини инобатга олиб унга нисбатан қонуний енгиллик беришликни сўраб кўрсатув берди.

Жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXX судда 2021 йил 24 май куни куни соат 15:30ларда ўзининг бошқарувчида бўлган “Ява” мотоцикл воситаси билан Бандихон тумани “Обикор” МФЙ ҳудудида ҳаракатланиб келаётганида, ўзига қарама-қарши йўналишда XXXXXXXXXXXXXXXX бошқарувида бўлган “Нексия” русумли 75 F 629 LA давлат рақам белгили автомашина ўзининг йўл бўлаги ҳаракатидан чиқиб кетганлиги сабабли автомашинага бориб урилганлигини, автомашина ҳаракатда бўлган вақтида бориб урилганлиги, машинасининг тезлиги шу вақтида соатига 60 км. бўлганлиги, йўл транспорт ҳодисаси натижасида ўзи тан жароҳати олиб даволаниб чиққанлиги, XXXXXXXXXXXXXXXX томонидан етказилган моддий зарар қопланмаганлиги, даволаниши учун тахминан 2 миллион сўмга дори-дармон олганлиги, лекин ҳозирда даволаниш учун сарфлаган пулларини тасдиқловчи ҳужжатлари мавжуд эмаслигини, ушбу сарфланган пулларни тасдиқловчи ҳужжатларни судга тақдим қила олмаслигини, судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXXдан даволаниши учун сарфлаган пулларини ва мотоциклига етказилган зарарларни тўлиқ ундириб беришликни сўраб кўрсатув берди.



Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXнинг айби унинг айбига тўлиқ иқрорлик билдириб берган кўрсатуvidан ташқари, жиноят иши материалларидаги хабарномалар, воқеа жойини кўздан кечириш баённомаси ва унга илова қилинган чизма ва фотосуратлар, транспорт воситасини техник ҳолатини кўздан кечириш баённомаси, тиббий маълумотномалар, суд-тиббий экспертиза марказининг хулосалари, Бойсун туман ИИБ ЭКГ экспертнинг 28.06.2021 йилдаги 60-сонли суд авто-техника экспертизаси хулосаси, тушунтириш хатлари, сўроқ баённомалари ҳамда тўпланган бошқа ишончга сазовор далиллар мажмуи билан тўлиқ ўз исботини топди.

Дастлабки тергов органи томонидан XXXXXXXXXXXXXXXнинг жиний ҳаракати Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган. Унинг ҳаракатлари ушбу модда билан квалификация қилиниши Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2015 йил 26 июндаги “Транспорт ҳаракати ва ундан фойдаланиш хавфсизлигига қарши жиноятлар билан боғлиқ ишлар юзасидан суд амалиётининг айрим масалалари тўғрисида”ги қарори талабларига мос келади.

Суд судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан жазо тайинлашда унинг айбига тўлиқ иқрор ва пушаймонлиги, оилавий шароити, илгари судланмаганлиги Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 55-моддасига асосан жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолашни, Жиноят кодексининг 56-моддасида назарда тутилган жазони оғирлаштирувчи ҳолатлар мавжуд эмаслигини эътироф этиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли Қароридаги адолатли жазо тайинланиши ундан кўзланган мақсадларга-маҳкумни ахлоқан тузатиш, маҳкум ва бошқа шахслар томонидан янги жиноятлар содир этилишининг олдини олишга эришиш самарадорлигини оширишга хизмат қилиши, Жиноят кодексининг 8, 54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги раҳбарий тушунтиришларига амал қилиб, XXXXXXXXXXXXXXXнинг содир қилган жиноятининг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, жиноятни содир этилиши сабаб ва шарт-шароитларини, унинг шахсини, оилавий аҳволини, ёшлигини, ишсизлигини ва муқаддам судланмаганлигини, айбига тўлиқ иқрорлигини, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини, жабрланувчининг даъвоси борлигини эътиборга олиб, унга модда



санкциясида назарда тутилган жарима жазосини тайинлашни лозим топди.

Суд XXXXXXXXXXXXXXXнинг оилавий аҳволини, қилмишидан пушаймонлигини ҳамда ҳайдовчилик гувоҳномасига эга эмаслигини эътиборга олиб, унга қўшимча жазо тариқасида транспорт воситасини бошқариш ҳуқуқидан маҳрум қилиш жазосини қўлламасликни мақсадга мувофиқ деб ҳисоблайди.

Суд жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXнинг судга етказилган моддий зарарни тасдиқловчи ҳужжатларни тақдим эта олмаганлиги сабабли, келгусида етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик тартибида ундириш ҳуқуқи борлигини тушунтиришни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454, 455, 457, 463, 465-468, 471-473-моддаларига амал қилиб, суд

ҳ у к м қ и л а д и:

XXXXXXXXXXXXX Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

XXXXXXXXXXXXX га Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 266-моддаси 1-қисми билан базавий ҳисоблаш миқдорининг 20 баравари миқдорида 4 900 000 сўм жарима жазоси тайинлансин.

Жарима давлат фойдасига ундирилсин.

Судланувчи XXXXXXXXXXXXXXXга нисбатан қўлланилган “Муносиб хулқ атворда бўлиш ҳақидаги тилхат” эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилинсин.

Жабрланувчи XXXXXXXXXXXXXXXга етказилган моддий зарарнинг уни тасдиқловчи ҳужжатлари бўлмаганлиги сабабли, келгусида етказилган моддий ва маънавий зарарни фуқаролик тартибида ундириш ҳуқуқи борлиги тушунтирилсин.

Ҳукмдан норози тарафлар йигирма сутка ичида, судланувчи ва жабрланувчининг қонуний вакили ҳукм нусхасини олган кундан эътиборан шу муддат ичида, мазкур суд орқали Сурхондарё вилоят судига апелляция тартибида шикоят ва протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи

М.Абдимўминов

